

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «03» 02

6007-сон

Шароф Рашидов туман ХТБ ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан асосида ҳаракат қилувчи Д.Носиров бир томондан ва "АВРАМ GOLD CAPITAL" мчж кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбар И.Юлдашев томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

Ш. Рашидов туман Халқ таълими бўлимига қарашли 41-сонли мактаб биносини иссиқлик тизими ва иситиш қозонларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ЛОТ:03.02.2022 й. № 20133

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини: Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 139 372 092 (Бир юз ўттиз тўққиз миллион уч юз етмиш икки минг тўқсон икки) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади.

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3- бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.2. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 20 кун ичида амалга оширади.

3.3. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Буюртмачи қуйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди:

45. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш лойихага мувофик зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

Ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваккат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги хақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши Ишларни шахсан бажариш

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган хажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдоридан неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар қиради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан

берилган гувоҳнома энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли хужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иктисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

"ABRAMGOLD CAPITAL"

Манзил: Шароф Рашидов
туман Зиёкор ҚФЙ
Чаманзор кучаси 9 уй
Тел./факс_
(х/в) 20208000905113759001
Банк номи: АТ "Алока банк"
Жиззах филиали
МФО: 00401
СТИР: 306655177

Рахбарь И. Юлдашев

Буйуртмачи

Шароф Рашидов туман ХТБ

Манзил: Ш.Рашидов тумани Уч-тепа даҳаси

ШҒХ* 10002286008212709210 0075085

Ташкилотнинг СТИРи: 201 369 776

Шароф Рашидов тумани бўйича

Ғазначилик бўлинмаси

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг


Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмасининг

СТИРи: 201 122 919





UZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
OF RASHIDOV TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

131100, Sharof Rashidov tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: shartnoma loyihasi
2. Loyihaning nomi

Sharof Rashidov tuman Xalq ta'limi bo'limi (keyingi o'rinlarda "Buyurtmachi" deb yuritiladi) nomidan Budget asosida faoliyat yurituvchi raxbari D.Nosirov va "ABRAM GOLD CAPITAL" MCHJ (keyingi o'rinlarda "Pudratchi" deb yuritiladi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari I.Yuldashev o'rtasida 139 372 092 (Bir yuz o'ttiz tuqqiz million uch yuz yetmish ikki ming tuqson ikki) so'm 41-sonli maktab binosini issiqlik tizimi va isitish qozonlarini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish maqsadida tuzilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;

Sharof Rashidov tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 09.02.2022 yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan yuqarida qayd etilganlarga asosan,

XULOSA QILDIM:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



K.Saipov

09.02.2022 y